



# Ishonch

**Ишонч**  
Мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича амалга ошириётган барча ишларимизнинг энг муҳим натижаси халқимиз, аввало, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг ислоҳот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганида намойи бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муволажа бўлмайди.  
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси нашри // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида



## Ўзбекистон: демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи

Тошкентда 22-23 апрел кунлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ҳамда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни кенг қўламда амалга ошириш юксак самараларини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 200 нафардан ортиқ хорижий олим, эксперт ва жамоат арбоблари, кўлаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осий тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, мамлакатимиз олимлари, мухтассислари, парламентимиз аъзолари, фуқаролик институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари иштирок этди.

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кuni ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 66 йиллиги нишонлиниши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

- 1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдорига бир марталик пул мукофоти белгилансин.
- 2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминлансин.
- 4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.
- 5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юксансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2011 йил 22 апрел

Ялпи ва секцияларга бўлинган мажлисларда иштирокчилар замонавий демократик ривожланишнинг муҳим масалалари — давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов тизи-

мини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодий эркинлаштириш масалаларини муҳокама қилди. Бунда Ўзбекистонда мазкур устувор соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламда ислоҳотлар ва Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма

мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида уларни чуқурлаштириш бўйича баён қилинган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бошқа демократик мамлакатларнинг бу йўналишлардаги тажрибаси ҳам кўриб чиқилди.

«Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очiq-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор».

(Давоми 2-бетда)

### Семинар

## Хотин-қизлар бандлиги қасаба уюшмалари эътиборида

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш маърузида семинар ташкил этилди. Мазкур семинарда хотин-қизлар кўмитаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, тадбиркорлик соҳасида фаолият бошлаш арафасида турган ёш тадбиркорлар, қасаба уюшмалари ва уларнинг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.



Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўзига хос ўрни борлигини қайд этиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқий ҳимоялари борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди. — Давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги маънавияти ошириш, оналик ва болалиқни муҳофазалаш, соғлом авлоднинг дунёга келтирувчи оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол ва юксак маънавиятли бўлиб вояга етишлари учун улар ўртасида соғлом турмушнинг тарғиб этиш, аёлларнинг меҳнат фаолиятларини фарзанд тарбияси билан уйғун ҳолда амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди Федерация кенгаши раиси Т.Нарбаева. — Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги, Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияларнинг ратификация қилинганли-

ги натижасида аёлларимиз турли соҳаларда эътиборга лойиқ ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбекистон радификация қилган илк конвенциялар оналар, болалар ҳуқуқларига доирлиги юртимизда миллат келажигага қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик нишонасидир. Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижтимоий ҳимоя негизида ҳам оналик ва болалиқни муҳофаза қилишдек эзгу мақсад муҳим. Биргина тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни олайлик. Истиклол йилларида эркакларнинг ўртача умр кўриш ёши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларники 75 ёшга ошганлиги, оналар ўлими икки баробар, болалар ўлими уч баробар камийганлигининг ўзбек фикримизни тасдиқлайди. Табикидек, аъзоларимизнинг 48 фоиздан ортигини аёллар ташкил қилади. Уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, оғир ишларга жалб қилмаслик, репродуктив саломатлигини муҳофазалаш, иш ҳақининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, спорт билан шуғулланишлари, мароқли дам олишлари учун шарт-шaroитлар яратиш бериш доимий эътибор талаб қиладиган вазифалардан бўлиб қолаверди. Оналар саломатлигига эътибор янада кучайтирилади. Шунингдек, семинар иштирокчилари эътибори янги иш ўринлари яратиш, яратилган иш жойларини сақлаб қолиш, коллежаларда тахсил олаётган

май, янги иш ўринлари яратишга сарфланиши хотин-қизларга ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир. Кўмига раисининг таъкидлашича, республикада хотин-қизларга иш ўринлари яратиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Утган йили биргина «Микрокредит-банк»нинг 253 миллион сўмдан зиёд кредити эвазига 80 дан ортиқ янги иш ўрини яратилди. Хунарманд аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳам диққат марказида. 2011 йилда 180 нафар аёл «Хунарманд» уюшмасига аъзо қилинди. Кўпгина халқаро ташкилотлар билан биргаликда аёллар кредитлар ажратилиши, янги иш ўринлари яратиш, бизнесга ўргатиш чоралари қўриляпти. Қасаба уюшмаларининг «Кўчат экиш савобидир» широи остида мустақилликимизнинг 20 йиллигига бағишлаб 20 туپдан кўчат экиш ташаббусини қорақалпоғистонлик хотин-қизлар ҳам қўллаб-қувватлади. Хотин-қизлар кўмитаси кўмагида Нукус туманида 5 гектар, Элиқалъа туманида 3 гектар бог ташкил этилди. (Давоми 2-бетда)

### Давра суҳбати

«Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очiq-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор».

## Қонун лойиҳаси муҳокама этилди

Концепцияда олға сурилган мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши асосида тузилган эксперт гуруҳи иш бошлаган эди. Натижада, гуруҳ томонидан «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа жойларда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари томонидан муҳокама этилиб, турли тақлифлар билдирилмоқда. Наманган шаҳридаги Нодира номили вилоят ахборот-кутубхона марказида мавзу юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қасаба уюшма ташкилотлари, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоятдаги вакиллари иштирок этишти. Давра суҳбатини вилоят қасаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда қасаба уюшма ташкилотлари раиси Пайзулла Паязов кириш сўзи билан очди. — Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларини келгусида янада ривожлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни кучайтиришда муҳим омил бўлади, — деди у. — Ижтимоий шериклик жамиятининг улта сектори — давлат тузилмалари,

тадбиркорлик субъектлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширишдан иборат. Мазкур секторларнинг ҳамкорлиги, мақсадларининг муштараклиги жамиятдаги долзарб муаммолар ечимини ишлаб чиқишда кўмак қилади. Демакки, ижтимоий шериклик билан жамиятни шакллантириш, уни юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга замин яратилади. Маълумки, ижтимоий шерикликнинг амалдаги шакллари билан бири ушбу соҳада қабул қилинган келишувлар ҳисобланади. Қонун лойиҳаси ушбу келишувларнинг турларига аниқлик киритади, уларни қабул қилишнинг умумий тартиби ва даражасини белгилайди. Қонун лойиҳасида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик асослари ва принциплари, жумладан, Бош келишув, тармоқ келишувлари, ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномаларини қабул қилиш тартиби кўрсатиб берилган. — Қонун лойиҳасининг 16-17-моддаларида ижтимоий шериклик бўйича комиссиялар ташкил этиш, субъектлар ўртасида ижтимоий аҳамиятга эга масалаларнинг ўзаро алма-дил ривожлантиришнинг мақсади дастурларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш каби қатор масалалар акс эттирилган, — деди Фуқаролик жамиятини ўрганиш ин-

ститутининг вилоят бўлими мудири Зафаржон Худойбердиев. — Лойиҳанинг 18-моддасида ижтимоий шериклик бўйича комиссияларнинг вазифалари белгилаб берилган. Бизнингча, қонунда ижтимоий шериклик бўйича комиссияларни ташкил этиш тартиби, уларнинг вазифалари, ташкил этиш асослари ва фаолиятларига аниқлик киритиш лозим. 20-моддага эса грантлар, субсидиялар, ижтимоий буюртмаларни олишнинг маънавий тартиби киритилса, муайян мувофиқ бўлади. Дарҳақиқат, туман, шаҳар, вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси қошида ижтимоий шериклик бўйича ташкил этилган комиссиялар ижтимоий шерикликнинг самарали шакли бўлиши мумкин. Ушбу комиссиялар ННТ, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид мақсади дастурларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва татбиқ этилиши, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий фаоллиги ва ишанчлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишдаги ролларини кучайтиришга имконият беради. Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

# Ўзбекистон: демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Самарадорлиги бутун дунёда кенг эътироф этилган мамлакатимизни ислохот этиши ва модернизация қилиш бўйича «Ўзбек модели»нинг амалга оширилиши истиклол йилларида Ўзбекистоннинг тараққиётга эришиши йўли ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Президентимиз Исло Каримов томонидан белгилаб берилган беш машур тамойилга асосланган ҳолда, пухта ўйланган, изчил ҳамда босқичма-босқич ислохотлар бунда муҳим омил бўлмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланаётгани, давлат ҳокимияти ва бошқаруvinинг самарали тизими яратилгани, фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланаётгани, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигининг сезиларли даражада ошгани ҳам шундан далил беради.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида «Ўзбек модели» ўзининг нақадар ишончли ва асосли эканини ёрқин намоён этди. Холбуки, ушбу инқироз оқибатлари дунёнинг аксарият давлатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга катта салбий таъсир кўрсатди. Конференцияда хорижий экспертлар Ўзбекистон бошқа кўпжа мамлакатлардан фарқи равишида юқори иқтисодий ўсish суръатларини сақлаб қолиш билан бирга Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татиқ этиш доирасида барқарор ривожланиш учун мустақам пойдёвор яратганини таъкидладилар. Масалан, 2009 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсish суръатлари 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга этди. Бу тенденция жорий йилда ҳам сақланиб келмоқда. Макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлиги ва мувозанати, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсish суръатлари, давлат бюджети профицити, савдо ва тўлов баланси, экспорт ҳажми, оltин-валюта захиралари ўсishi таъминланди. Иқтисодиётни янада диверсификация қилиш, молия-банк тизими барқарорлиги ва ишончлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизаация қилиш ва технология янгилаш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, экспортчи корхоналар, шунингдек, жорий йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шарт-шароит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда мамлакатимизда қўлга киритилган ушбу муваффақиятлар бозор иқтисодиёти ривожланган ва кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлат қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширишни бевосита самараси экани таъкидланди. Айниқса, Ўзбекистон таърибаси «шок терапияси» услубидан воз кечишнинг ўттирилги ва комплекс ислохотларни изчиллик билан, босқичма-босқич чуқурлаштириш принциплари асосида амалга ошириш

зарурлигини тасдиқлагани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамият ҳаётининг барча жаҳалларини модернизаация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи белгилаб берилди.

Анжуман иштирокчилари концепцияда қайд этилган барча устувор йўналишларни ҳар томонлама муҳокама қилиб, унда баён этилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий туб ўзгаришларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Улар ўз чиқишларида Концепция Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки қунларидан бошланган ислохотлар, демократик янгилаш ва модернизаация қилиш жараёнининг мантиқий ҳамда қонуний давоми эканини таъкидладилар. Ушбу дастурий ҳужжат пухта ўйланган янги қонунчилик ташаббусларини ўз ичига олган бўлиб, уларнинг ҳаётга татиқ этилиши Ўзбекистонга юксак саваблар — ривожланган демократик давлат қаторидан жой олиш, ҳаққимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллашга таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган ислохотларнинг комплекслиги принципи, яъни иқтисодий ислохотлар сиёсий тизимни демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, аҳборот ва сўз эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов тизимини ривожлантириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, фуқароларнинг сиёсий оғиб, ҳуқуқий маданиятини ошириш билан қамбарчас амалга оширилаётгани ушбу муҳим вазифаларни ҳал этишда ягона тўғри ёндашувдир.

Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш — Концепцияда белгиланган устувор йўналишлардан. Шундан келиб чиққан ҳолда Концепцияда катор муҳим тақлифлар илгари сурилган бўлиб, улар парламент томонидан маъқулланган ва жорий йил 19 апрелда кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонунда тўла ўз аксини топган. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия Бош вазир номзоди бўйича тақлиф киритиш, парламентга мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалар бўйича ҳуқуқат раҳбарнинг ҳисоботларини эшитиш, Бош вазирга ишонсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган қатор бошқа янги қонунчилик нормалари киритилди.

Хорижлик экспертлар ўз чиқишларида ушбу барча янгиликлар энг юксак демократик талаблар ҳамда демократик ривожланиш

бўйича илғор халқаро амалиётга тўла мос келади, деб таъкидладилар. Уларнинг амалда қўлланиши ҳокимиятни тармоқларга ажратиш принципини амалга ошириш ва уларни чуқур изохла этиш, мамлакатимизда сиёсий рақобатни қучайтириш ва кўппартиявийлик тизимини мустақамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократик модернизаация қилиш дастури босқичма-босқич ҳаётга татиқ этилаётгани қайд қилинди. Судлар иқтисодлаштирилди, торттишувларни ҳал этишнинг муқобил механизмлари, суд ишларини қайта қўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди, адвокатурани институти мустақамланди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги янада либераллаштирилмоқда, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилиб, уларнинг ақсарияти ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари сезиларли даражада қучайтилди. Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилингани бутун дунё жамоатчилигининг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимига амалга оширилаётган ислохотларнинг асоси бўлган қонун устуворлиги тамойилига қатъий риоя қилинаётганининг яна бир тасдиғидир.

Концепцияда амалдаги қонунчиликни тақомиллаштиришга доир баён қилинган қонунчилик ташаббуслари «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг ҳолислиги, бетарафлигини таъминлаш механизмининг янада ривожлантириш, суд жараёнида ўзаро тортишув принципини қучайтириш, жиний қонунчиликни либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий оғиб ва маданиятини оширишга қаратилган. Хорижий экспертлар буларнинг барчаси мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қилиш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидан қатъият билан бораётганининг ёрқин далили эканини таъкидладилар.

Демократик янгилаш ва ушбу жараён самарадорлигини оширишни таъминлашда оммавий аҳборот воситаларини муҳим ўрин тутди. Конференция қатнашчилари Ўзбекистонда кенг қўланиладиган демократик ислохотлар давомида эркин ва мустақил оммавий аҳборот воситаларини ривожлантириш, фуқаролик институтлари тизимига уларнинг ролини қучайтириш, ислохотларнинг очик ва ошқаролигини таъминлаш борасида улкан ҳамда тизимли ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Ўзбекистонда ушбу соҳани эркинлаштириш, демократлаштириш ва модернизаация қилишни тартибга солувчи демократик талаблар ва стандартларга мос қонунчилик базаси яратилган ва ривожлантирилмоқда.

Концепцияда тақлиф этилган комплекс чора-тадбирлар оммавий аҳборот воситалари фаолиятида бозор механизмларини тақомиллаштириш, аҳборотлардан эркин ва тенг фойдаланишни, давлат ҳокимияти ва бошқа-

руви органлари фаолиятида очиклики таъминлаш, жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлашда оммавий аҳборот воситаларининг ролини ошириш учун самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилган. Анжуманда янги қонунчилик ташаббусларининг гоъл долзарблиги ва уларнинг амалга оширилиши катта ижтимоий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Конференция хорижий иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонда самарали сайлов тизими ва тегишли қонунчилик шакллантирилган бўлиб, улар мамлакатни изчил ривожлантириш шарт-шароитлари ҳамда халқаро демократик стандартларга тўла мосдир. Сайловлар умумий, тенг ҳамда тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи орқали яшарин овоз бериш принципларига риоя қилинган ҳолда, кўппартиявийлик асосида очиклик ва ошқаролик руҳида ўтказилмоқда. Уларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштирок этиш имкониятлари анча кенгайтирилган — парламентда 15 депутатлик ўрни Ўзбекистон Оқолиғи ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Анжуманда сайлов тизимини тақомиллаштириш бўйича Президент Исло Каримов томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнини янада либераллаштириш, уларнинг янада кўпроқ очик ва ошқаролигини таъминлаш, сайловда ташвиқоти ўтказиш механизми ҳамда сайлов коммиссиялари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишда ноёб таърибга қайтаришга оид муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу жараёни тартибга солувчи қонунчилик базаси жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада кенг ривожлантириш мақсадига давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда қатор янги қонунларни қабул қилиш зарурати асослаб берилган. Уларнинг рўёбга чиқарилиши фуқаролик институтлари ва давлат тўзимлари ўртасида муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда ижтимоий шериклини мустақамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти бустидан жамоатчилик назоратини олиб ўриш давлат самарали механизmlарни яратиш, фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллигини оширишга хизмат қилади. Иштирокчиларнинг фикрича, буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, Концепцияда бозор ислохотлари ва иқтисодиётни бошқаришни эркинлаштириш жараёнини жадаллаштиришга, хусусий, мулк ва тадбиркорликка оид ҳуқуқий кафолатларни қучайтириш, миллий иқтисоди-

ётда кичик бизнес улушини кўпайтириш ва рақобатни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун ушбу вазифалар ижросини таъминлаш доирасида қатор янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

Хорижлик экспертларнинг фикрича, ҳуқуқий асосларнинг бу тарзда комплекс ва ҳар томонлама тақомиллаштирилиши Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти янада жадал ривожлантириш, уни демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини кенгайтиришнинг мустақам асоси бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, конференция қатнашчилари Президентимиз Исло Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, унда баён этилган янги қонунчилик ташаббусларига юксак баҳо берди, бугунги кунда дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар шароитида уларнинг нафақат Ўзбекистон, балки бошқа кўпжа давлатлар учун ҳам катта амалий ва долзарб аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

— Президент Исло Каримов томонидан ишлаб чиқилган маъруза Концепцияда Ўзбекистонда ривожланишнинг барча асосий йўналишлари, жамият эҳтиёжларига ўз вақти ва муносиб жавоб қайтаришга оид муҳим вазифалар белгилаб берилган, — деди БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ бўйича минтақавий бюроси директори Кори Удовички. — Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, мамлакатда эришилган бундай муваффақиятлар — ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олишга доир юксак мақсадга эришишга қаратилган йўлни бошланишидир. Бунда мамлакатда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Буларнинг барчаси Мингиллаш ривожланиш мақсадларига тўла мосдир. Ўзбекистонда ислохотларнинг босқичма-босқич ва собитқаддам билан амалга оширилаётганлиги эришилган муваффақиятларда муҳим омил бўлмоқда. БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни, жумладан, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган жорий йилда мазкур соҳада ҳам лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва изчил, тадрижий ислохотларни чуқурлаштиришга асосланган ривожланишга оид маъруза стратегик дастур барқарор тараққиётни иштираётган бошқа кўпжа мамлакатлар учун ҳам катта долзарб аҳамиятга эга.

Амалий мулоқот руҳида ўтган конференция якунлари бўйича иштирокчилар кенг қўланиладиган демократик ислохотларни изчиллик, босқичма-босқичлик ва тадрижий ривожланиш тамойиллари асосида амалга оширишда Ўзбекистон таърибасини чуқур ўрганиш ҳамда ундан кенг фойдаланишга доир тавсияларни қабул қилдилар.

Анна ИВАНОВА,  
Ўза мухбири

# Хотин-қизлар бандлиги

## касаба уюшмалари эътиборида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходими Гулнора Дарьябоева 2011 йилда республикада 42 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши режалаштирилгани, шундан қарийб тенг яримини аёллар банд қилиши кўзда тутилганлигини таъкидладилар. Жорий йилнинг биринчи чорагида аёллар учун 5134 та иш ўрни яратилди. Уларнинг аксарияти янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш, корхоналарни модернизаациялаш ҳисобидан очилди. Амударё туманидаги «Амуагро» корхонасида 10 та, Беруний туманидаги «Беруний фэйз» корхонасида 16 та янги иш ўрни ташкил қилинди. Уй меҳнати асосида 1086 нафар аёлга меҳнат дарфатчалари юритила бошланди. 309 аёл эса яққа тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 20 дан зиёд бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил қилинди. Иккинчи чорада хотин-қизлар учун 6000 дан зиёд иш ўринлари яратиш белги-ланган.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси субъектларини таъминлаш бўлими бошлигининг ўринбосари Дилбар Хужаниёзова банк томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун бошланғич сармоа ажратиш, мақсадли кредитлар бериш ва микрофинанс хизматлари кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, 2010 йилда қорақалпоғистонлик 2500 дан зиёд хотин-қиз банкининг ана шундай

хизматидан фойдаланганлигини қайд қилди. Бу эзгу иш жорий йилда ҳам давом этирилаётганлигини таъкидладилар. Нукус туманидан Гулжан Палимбетова, мўйноқлик Фариди Кайипназарова, қонлиқўллик Ойдин Нурулметова, шўманайлик Минайхон Умарбаева банк қўмағида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош терапевти Зумрад Бекетова республикада хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва боланини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Жорий йилнинг биринчи чорагида республикада туғиш ёшидаги аёлларнинг 61,6 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларда аниқланган экстрагенитал касалликларни бартараф қилиш чоралари кўрилди. Шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга доир 13420 та тадбир ўюштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори Худойберган Ниёзимбетова, Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Бозорбой Аймубетов хотин-қизлар ҳамда вояга етмаган қизлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг экстремистик оқимларга қўшилишга йўл қўймаглик, нотинч оилаларга йўл вазиётни яхшилаш, депортация масалалари юзасидан маъруза қилишди.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар асso-

циацияси Қорақалпоғистон бўлими қосидаги «Тадбиркор Инвест» микрокредит корхонаси раҳбари Озод Оллаёров хотин-қизларни уй меҳнатига жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларни хусусида гапирди ўтиди.

Семинарнинг кейинги қисми жойларда давом этирилди. Хусусан, иштирокчилар «Тадбиркор аёл» уюшмаси маслахат марказида хотин-қизларга бизнеспрограма, микроиқтисодиёт бўйича тушунчалар бериш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

— Марказимиз янги ташкил қилинганга қарамай, қўллаб-қувватлашга ўз бизнесларини йўлга қўйишга кўмаклашди, — деди Фейза раҳбари Раъно Қаландарова. — Халқ банкнинг Қорақалпоғистон бўлими билан тузган шартномамизга мувофиқ тингловчиларимизга кредит олишга кўмаклашди.

Марказда сабоқ олган Зухра Султонназарова, Саодат Айимбетова, Гумисай Раметуллоева эндиликда ажойиб хунарманд бўлиб еттидилар. Улар ташкил этган қўргазма иштирокчиларга завқ бағишладилар.

Бир пайтлар анчайин доврак қозонган, аммо кейинчалик банкрот бўлган «Катек» корхонаси ўрнида янги ташкил қилинган «Нукус текстил» корхонаси фаолияти билан танишув ҳам қизиқарли кечди. Айни пайтда бу ерда 80 киши фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 56 нафари хотин-қизлардир.

Қорхонада модернизаация ишлари давом этмоқда. Швейцария, Туркия давлатларидан янги технологиялар келтирил-

моқда. Шунинг эвазига йил охиригача 500 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Яқинда илк экспорт амалга оширилди. 102 миң АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот Россияга жўнатилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари, хусусан, бола-лар кийимлари сифатлилиги билан иштирокчилар диққатини тортиди.

— Касаба уюшмалари ҳар қандай масалада корхонада кўмагини аямайди, — деди Фейза раҳбари Раъно Қаландарова. — Халқ банкнинг Қорақалпоғистон бўлими билан тузган шартномамизга мувофиқ тингловчиларимизга кредит олишга кўмаклашди.

Навбатдаги сўхбат миллий либослар устаси Ойзода Нурулметованинг тикувчилик ҷеҳида бўлиб ўтди. Иштирокчилар биринчилардан бўлиб мохтур тикувчи яратган қорақалпоқ миллий келин либоси — кўк қўйлакни томоша қилишди.

«Ифатли келин» ўқув марказининг Нукус филиали ҳам яқинда иш бошлади. Бу ерда тикувчилик, қўйлакчилик, компютерда ишлаш, бошланғич тиббий билим, сартаролик, инглиз тили, рус тилидан сабоқлар берилади. Ўқув марказида таълим жараёнининг амалиёт билан бирга олиб борилиши диққатга сазовордир.

Нукус шаҳри қўргига қўрк қўшан янги иморатлардан бири «Аида» кичик корхонасидир. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган. Қорхонага қарашли ресторанда эса сифатли ва мазали таомлар элга тортиқ

қилинмоқда. — Элдoshларимизга нафис таъминлашда мамнунман, — деди корхона раҳбари Гуля Жалғасаева.

Тадбир таассуротларга бой бўлди. Эллиққалъа туманидаги 1-маҳалла маслахатчиси Саётхон Тураниёева сўхбатлардан таърибга алмашувлардан ўзи учун кўпгина фойдали маълумотлар олганини эътироф қилди.

— Мен бир пайтларни тикувчилик билан шугулланганман, бундан кўра, кўрачачалар тикшини, қўрамышлар қурашнини ўрганганман. Яқинда ёшлагимни эслаб қўлимга игна олдим. Ҳатто, бу хунарни маҳалладаги бир-икки қизга ўргатдим ҳам. Касаба уюшмаларининг беғараз кўмағи фаолиятимни давом эттиришга ундамоқда, — деди у.

Бундай фикрларни ҳар бир семинар қатнашчисидан эшитиш мумкин эди.

— Мақсадиимиз хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш экан, бу борадаги кенг қўланиладиган фаолиятимизни замон талабига мос равишида янгилаб бораверамиз. Истагимиз — ҳар бир аъзо ўз фаолиятида, ҳаётида касаба уюшмаларининг ўрнини ҳис қилсин. Аёлларимиз ҳар қандай орзу-мақсадлари рўёбга чиқилиши ишонсизим, — деб таъкидлади Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуот котиби.**  
**Муҳаббат ТЎРАБОВЕВА,**  
**«Ishonch» мухбири**

## Ўқув

Ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иш ҳақининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, жамоа шартномасида белгилаб қўйилган бандларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиши...

Гарчи бу ҳақда касаба уюшма етакчилари муайян тушунчаларга эга бўлса-да ва бунинг исботи уларақ жойларда касаба уюшма аъзолари манфаатлари ҳар томонлама қамраб олинишига эришилаётган эса-да, вақти-вақти билан етакчи ва фаоллар ўқувини ташкил этиш амалиёти ўзини оқлаб келмоқда.

# Ўрганган кам бўлмас

## бир одам ўқийди, минг одам манфаат кўради

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан уюштирилган Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бошланғич касаба уюшма кўмитаси раислари ўқув-семинари ҳам бу фикрни яна бир қарра тасдиқлади. «Умид Гулшани» дам олиш масканида бўлиб ўтган ўқув-семинар давр талабидан келиб чиқиб, Президент Исло Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги ҳамда 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V тармоқ касаба уюшмасининг IV Қуролтойлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татиқ этишда касаба уюшмасининг ўрни тўғрисидаги маъруза билан бошланди.

Бир ҳафта давом этган ўқув-семинар иштирокчилари «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижроси, ижтимоий шериклик асослари, касаба уюшмалари маблагларидан фойдаланишнинг тўғри ташкил этиш каби бир қанча масалалар бўйича ўз билимларини бойитишди. Таянч бошланғич касаба уюшма ташкилот фаолияти билан танишув ва албатта, тингланган маърузалар ва таърибга алмашувлар асоси тўғридан фикр-мулохазалар асосида ўтказилган давра сўхбат ҳам борада чуқур таассурот қолдирди.

Шунингдек, ўқув-семинар қатнашчилари Республика «Меҳр-мурувват» жамоат фонди директори Хайриятдин Маъсулов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси, Халқаро Antique World (Антик Дунё) Илмий академияси академиги Қобилбек Қаримбековнинг маърузаларини ҳам рақоб билан тингладилар. Узларни қизиқтирган қўллаб-қувватлашга жавоб олдилар.

— Ўйлайманки, кўзда тутилган мақсадга эришилди, — деди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Вали Қўчқоров. — Муҳими, ўқув-семинар иштирокчилари нафақат билимларини оширдилар, шунингдек, бир ҳафта мобайнида саломаатликларини ҳам тиклаб олдилар. Бу уларнинг кейинги фаолиятида қўл келади, албатта.

Ўз мухбиримиз

С 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Тўйга тўёна билан

риштонлик фермер Абдусаттор Темировнинг ибратли ишлари хусусида

Кекса чўпон Якубжон Абишевнинг уч нафар ўғли сердаромад иш излаб чет элга кетган эди. Орадан кўп ўтмай ота фарзандлари Акмал, Азиз ва Азимжонларни ортага чақирди. Узи ишлаётган «Шох Оқ ер хисориси» наслчилик фермер хўжалигидаги отарлар боқувини уларга топширди. Кўллари чўпон тағини тутган ўғиллар кам бўлгани йўқ.

Халқимизга хос гўзал бир удум бор. Бирор касб ёки хунарнинг ҳақиқий эгаси шу соҳада меҳнат қилар экан, албатта, ишлаб чиқаришга муносиб янгилик киритиш, уни тақомиллаштиришга, махсулот сифатини оширишга ҳаракат қилади. Машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамухаммедов яратган

кўплаб янги узум турлари, боғбонлар устози Зайниддин Фахриддиннинг субтропик ва цитрус меваларнинг иқлимимизга мослаб етиштирган ноёб навлари, Қорақўл кўйлари наслини яхшилашда таниқли чорвадор Жобой Болимановнинг хизматлари... эҳ-эҳ бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

Яқинда матбуотда Самарқанд қоракўлчилик ва чўл экологисия илмий тадқиқот институти олимлари ва навоийлик чорвадорлар ҳамкорлигида қоракўл кўйлари ва чўл экиштирилиши «Зармалла» ва «Ўзбекистон кумуш сури» зотларининг дунёга келганлиги хабар қилинди. Чорва моллари наслини яхшилаш борасидаги изланишлар мамлакатимизнинг барча чорвадор хўжалиқларида олиб борилмоқда. Бунда фермерлик ҳаракатининг илғор, иқтисоди бақувват изланувчан вакиллари ўзларини кўрсатмоқдалар.

турлари келтирилиб, танлаш, саралаш ва жуфтлаш селекция ишлари олиб борилди. 2005 йили республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буйруғи билан кўйчилик фермер хўжалигига наслчилик фермер хўжалиги мақоми берилди.

Фермер хўжалигида иш замонавий асосда ташкил қилинган. Кўйлар 7 отар ва марказий кўйхонага бўлинган. Ҳар бир отар ўртача 300-500 бош кўйдан иборат. Ҳар бир отар ва марказий кўйхонага шартнома асосида бош чўпонлар берилган. Улар икки томон тасдиқлаган шартнома асосида ҳар юз бош совлиқдан 55 бош кўзи топширади. 55 бошдан отарга кўзилар чўпоннинг ўзига қолдирилади.

шўро даврида фойда келтирмайдиган соҳа бўлгани маълум. Чунки водийда беҳаражат кўй боқиладиган яйловлар йўқ. Хўжаликдаги кўй подолари асосан Олой, Чотқол тоғ яйловлари ташиб бориларди. Асосан жуни учун боқиладиган оқ-қора, думли меринос кўйлари маҳаллий иқлим шароитига чидамас, кўп нобуд бўларди. Абдусаттор ака ўша йиллардаёқ маҳаллий иқлим шароитига мослашган кўй наслларини яратиш устида кўп шуғулланди. Мана орадан йиллар ўтиб шундай кўй зоти яратишга муваффақ бўлди! Биз бундан жуда хурсандимиз.

Махпирли айтгандай туманимизда кўй боқадиган яйловлар йўқ. Кўпгина водий жанубидаги Шўрсув, Оқтоғ тоғлари этақларидаги сийрак ўт усадиган, совуқ иқлими ерларга ҳайдаимиз подоларни. Ёзда эса кўйларни асосий кўйхоналардан 300-350 қақирим нарига Чотқол тоғларидаги яйловларга олиб борамиз. Натijaда, кўй кўп нобуд бўлади. Бунинг устига маҳаллий кўйларнинг туёқлари тош, шағал ерларда узоқ юришга мослашмаган. Ўзингизга маълум, водийда кўй шароит тақозосига кўра қадимдан кўраларда, ёпиқ кўйхоналарда узогзи билан 15-20 бошдан бор кўйхоналарда асосан икки-беш бош кўйни бурдоқига боқиб расм бўлган. Яйловларнинг узоқлиги водий шароитида очик майдонларда боқиладиган янги зот кўйларни яратишни тақозо этарди. Кейинги йилгирма йил давомида мана шу муаммо устида шуғулландим, — дейди Абдусаттор ака. — Узим ветеринарман, соҳадан яхшигина хабарим бор. Кўй наслини яхшилаш, янги зотлар яратиш буйича илмий адабиётларни кўп ўқидим, ота-боболаримизнинг бу борадаги изланишлари, тажрибаларини обдан ўргандим. Туркман кўйларини хисори кўйларга чапиштириш, улардан олинган зотларни жайдар кўйлар билан жуфтлаш натижасида водий иқлимига мос янги типдаги кўй зоти яратиш-



га муваффақ бўлдим. — Бу хўжаликда тана тузилиши йирик, жуни қалин ва узун, думбаси катта, совуққа чидамли, йил давомида яйлов шароитида боқиладиган, қишда ҳам очик майдонларда сақланадиган, тоғ ва тоғ олди дашт яйловларда боққишга ҳамда туёқлари тош, шағал ерларда юришга мослашган кўйлар типини яратилди. Ҳозирда фермер хўжалигида юқоридаги тип кўйларнинг миқдори 4 минг бошдан зиёд, наслдор кўчкорларнинг ўртача тирик вазни 100-120 килограмм, она совлиқлар 65-70 килограмм, 10 ойлик кўзи-кўчкорлар 60-65 килограмм, 10 ойлик урғочи кўзилар 50-55 килограммни ташкил қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят чорвачилик мутахассислари билан биргаликда фермер хўжалигидаги кўйлар қўриқдан ўтказилганда бошқа зот ва типларга ўхшамаган белгилари бўлган, яъни совуққа чидамли, қалин, ярим дағал жуни, думбаси катта кўйлар типини яратилганлиги аниқланди.»

ойи бошларида подолар 300 километр масофадаги Оқтоғ яйловларига ҳайдаб борилди. Туёқларининг қаттиқлиги, жунининг узун ва қалинлиги боис янги зот кўй-кўзилар манзилга бемалол етиб борадилар. Қиш ойлари эса подолар вилоят атрофидаги тоғ этақларида боқувга чиқарилади.

— Йил давомида қир-адир ва тоғ ён бағирларида боқилиши боис янги зот кўйларга деярли пичан берилмайди. Фақат январ, феврал ва март ойлари ички имкониятлардан келиб чиқиб, ёзда жамғарилган емдан фойдаланилади. Фермер хўжалигимизда йилга 1500 бошдан ортиқ кўй-кўзилар етиштирилади. Улар вилоят фермер хўжалиқларида сотиш йўли билан тарқатилади. Ишончнинг қишда кўй иллар ичда Фарғона вилоятида биз ҳозирча шартли равишда «Фарғона-дашт» ёки «Риштон-дашт» деб номлаб турган кўй зотлари кўйлаб боқиладиган бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қўйилганлиги ривожига ҳам жиддий ижобий таъсир кўрсатди. Айни кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг йилгирма йиллигини нишонлашга қизгин ҳозирлик қилинмоқда. Бу жуда катта сана. Ва мен ўзим яратган янги кўй зотиини истиқлолимизнинг муборак йилгирма йиллигига бағишлайман! — дейди ҳаяжон билан Абдусаттор Темиров.

Абдусаттор аканинг орзулари чегара билмайди. Уйлаб кўйган режалари эса ундан-да юксак.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Хотира ва кадрлар кунини олдидан

Қоратог тизмалари оша ўтувчи ички доvon йўли орқали қайтаётгандик. Шундоқ ясси кенгликлар бағрида барпо этилган ям-яшил чорбоғ диққатимизни тортиди. Дарахлар гуж-гуж, гулларга бурканган. Айниқса, шафтоли новдаларидаги оқши-бинафша тусли гуллар киши кўнглида тиниқ туйғуларни уйғотиб юборади.

Эзгуликка қўйилган ҳайкал

— Қаранг-а, шу йўл орқали бундан 7-8 йил аввал ўтгандик. Даштда шувуго янтоқдан бўлак ўт-улан деярли битмас эди. — Ҳа, нимасини айтасиз, — ҳайдовчи 5-6 гектар чиқадиган бўстонга назар ташлади. — Инсон кўли гул, деганлари шу бўлса керак-да. Раҳматли Суннат ака бу иши туйфайли ўзига ҳайкал қўйиб кетди.

хотиралари лип-лип кўз ўнгимда гавдаланди... Суннат Аҳмедов билан айна Анджион пахтачилик институтини тугатиб келган пайтларда танишгандик. Билимдон, камтар, маданиятли одам эди. Дастлаб ҳозирги «Зирабулоқ» МТП, кейинчалик «Нарпай» МТПда талай йиллар раҳбарлик қилди. Бироқ, ташаббускор ийғитни бир маромадга сокинлик сира қониқтирмас эди. Шунинг учун чўл бағрига отланди. Бу сафар у чала ташлаб кетилган «Керамзит» ғишт заводини қайта бутлаб, тўла қувват билан ишлашни таъминлади. Кейинчалик фароллар ишончига кўра, туманда ян-

гитдан ташкил этилган «Туркистон» бурдоқчилик ширкат хўжалигига раҳбар этиб тайинланди... Кўнгли давлатига қулоқ тутиб, яқинда Қоратог бағрида бунёд этилган ўша обод максан сари йўл олдим. Эҳ-эҳ, боғнинг фарбий чегарасидаги 80 гектардан ошмиқ майдон аллақачон серунум далага айланиб кетибди. Кенг бурдойзор майсаси тиззага уради. Изма-из униб чиқётган чигитлар аллақачон кўш қулоқ чиқариб қолган. Чорва, қўйчилик, паррандачилик дегандай. — Суннат — Салимхон» фермер хўжалигида сулола ахли орзуманд бўлмаган ишининг ўзи йўқ. Шийлон ёқасидаги майдонда мева-сабза-

вот махсулотлари палак ёзиб ётибди. Хўжалик раҳбари Собир Аҳмедовни шу манзилда учратдик. — Раҳматли отам шу тошлоқ ерларни ҳосилдор майдонга айлантирунча кўп куч сарф қилди, — дейди раҳбар дастлабки ишларини бир-бир эсларкан. — Сув тақчил палларда ниҳоллар илдирига челақлаб сув қуйганмиз. Мана, шукурки, меҳнатимиз хузурини кўрмоқдамиз. Энди билсам, отам сулоламизнинг ҳам асл боғбони экан. Ҳа, «Бўстон бўлса боғинг, булбул бўлур кўноғинг», дейишди доно халқимиз. Боғбоннинг ниҳол эккани — ўзига ҳайкал қўйгани билан баробар. Белгиланган ҳомаш ёки махсулотлар етиштириш режасининг ҳар йили ошиғи билан адо этилиши одатий ҳол. Аммо, бу боғу чорбоғ мевалари оила эҳтиёжидан ортиб-ошиб, ўтган-кетганга, аъзол оилаларига ҳам ризқ-рўз бўлиб келмоқда. Тагианлар 15-60 гақ парварииш йўлида тер тўққан соҳоватли инсонлар ҳаққига минг-минг раҳматлар айтиши турган гап.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилоят прокуратурасининг 18.04.2011 йилдаги 195-сонли буйруғи ва 19.04.2011 йилдаги 27/73-сонли хатига асосан, Тошкент вилоят прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чўпонота кўчаси, «Ц» мавзеи манзилда сақланганда кўйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. «Нексия» русумли, д/р 10/703DAА бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 101 070 сўм. 2. «Нексия» русумли, д/р 11AA100 бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 447 384 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 27 май кунини соат 10:00да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 27 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 2 июн кунини соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорамиш-1 кўчаси, 1А-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2011 йил 26 май кунини аукцион савдоларини ўтказиши

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Отатўр кўчаси, 4-ўйда жойлашган, Давлат асшилик даражасини белгиланган палатасининг 1992й.и.ч. д/р 01/031АВА, бошланғич нархи 1 395 046,70 сўм бўлган «РАФ 2020301»: 1995й.и.ч. д/р 01/034АВА, бошланғич нархи 2 123 142,04 сўм бўлган «ГАЗ 31029»: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 5-ўйда жойлашган, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини Давлат Фельдъегерлик хизмати-нинг 2004й.и.ч. д/р 01/064КАА ва д/р 01/065КАА, бошланғич нархи 4 143 519 сўмдан бўлган 2 та «Дамас»: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 200-ўйда жойлашган, Тошкент шаҳар Олмазор туман Гаражлар Бошқармаси ДУК балансидеги 1997й.и.ч. д/р 01/668ЛВА, бошланғич нархи 7 437 653 сўм бўлган «Нексия»: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-ўйда жойлашган «ОЗЮ-ОУВАТ MOLLARI» ОАЖ балансидеги 1983й.и.ч. д/р 10АЕ200, бошланғич нархи 1 300 000 сўм бўлган «ЗИЛ 431410»: 1984й.и.ч. д/р 10АО108, бошланғич нархи 8 200 000 сўм бўлган «ЗИЛ ММЗ 45022»: 1991й.и.ч. д/р 10АО164, бошланғич нархи 2 000 000 сўм бўлган «ГЗСА 1891»: 1992й.и.ч. д/р 10АО113, бошланғич нархи 2 900 000 сўм бўлган «ГАЗ-5312»: 1991й.и.ч. д/р 10АО107, бошланғич нархи 9 100 000 сўм бўлган «ГАЗ-3307» русумли цистерна ва 1996й.и.ч. д/р 01/596FAА, бошланғич нархи 36 970 000 сўм бўлган «СМК 14» русумли автокран ҳамда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 35-ўйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1993й.и.ч. д/р 10АВ491, бошланғич нархи 3 988 561 сўм бўлган ва 1993й.и.ч. д/р 10АВ488, бошланғич нархи 3 240 546 сўм бўлган 2 та «Доган» русумли автотранспорт воситалари қўйилди. Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буортма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда катнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдориде закатал пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йилгирма кун мuddат ичиде олди-сотди шартномасини имзослаш, тўланган закатал миқдори сотиб оlish тулови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунча қадар тўлаб бериш шартлари юзатилади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниде сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилди. Аукцион ўтказиладиган қўйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А-уй. Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A\_DUK@mail.ru Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Тошкент почтаси» филиали балансидеги д/р 10АС466 бўлган «Дамас» — 4 250 000 сўмга; «Тошкенткилоқ» ОАЖнинг д/р 10АЗ852 бўлган «Зил-131 АС-137» — 2 260 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуриде Давлат ва жамаият қурилиш Академиясини қўшидаги Олий бизнес мактабининг д/р 10БД204 бўлган «Нексия» — 14 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

2008 йил Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 268-урта мактаб томонидан 1991 йилда тузилган Мадина-бону Тохижова қизига урта маълумот турисиде берилган О'Р-ША № 0045824 рақамли шхонадаги йўқолганлиги сабабли бекор қилинди. Кашкадаре вилоят Архив иши бошқармаси маъмурияти Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Карол ота МАХМУДУВнинг вафоти маъноси билан маъмуриятини оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирилади.

Устоз-шогирд анъанаси — амалда

Пахтачида янги иш ўринлари

Пахтачи туманидаги қишлоқ хўжалиги саноати коллежининг 90 нафар юқори курс ўқувчилари туман машина-трактор паркида маҳоратларини оширмоқда. Тажрибали ҳайдовчилар, чилангарлардан иш ўрганаётган ўсмирлар учун МТПда махсус синфхона ҳам ташкил этилган.

— Туман ҳокимияти, касб-хунар коллежлари билан қорхона ва ташкилотлар ўртасиде тузилган шартномага асосан битирувчиларга иш ўринлари ажратилди, — дейди Агрессаноат мажмуи ҳодимлари касаб ва уюшмаси Пахтачи туман кенгаши раиси Бўрибой Тоиров. — Ўқувчиларнинг замонавий қишлоқ хўжалик техникаларини чуқур ўзлаштиришларида машина-трактор паркларининг бой техник имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Туман МТПсида айна чоғда 127 нафар киши меҳнат қилади. Аксарият ҳодимлар техник операторлар

бўлганлиги боис ишни смена асосиде ташкил этишга тўғри келади. Кўп сменили чилангарлик бригадалари мавжуд. Бироқ МТПни малакали мутахассислар билан таъминлашда муаммолар мавжуд эди. МТП ҳамда туман қишлоқ хўжалиги коллежи ўртасиде тузилган шартнома масалани ижобий ечим топиш имконини берди. — Мен коллежини тамомлаб, мазкур жамоага ишга келгандим, — дейди пайвандловчи Бегзод Холбоев. — Қарийб бир йилда устозлар кўмағиде мустақил ишлашга ўтдим. Маъмурият ва бошлан-

ғич касаб ва уюшма ташкилоти ишчиларга ғамхўрлик кўрсатишди. Қорхонада саргарошхона, пойабзал таъмири устaxonаси фаолияти йўлга қўйилган. Ишчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Шокир Бегматов, Шўкур Нормуродов, Ҳаётхон Жалилова сингари ёшлар коллеж партасидан тўппа-тўғри шу ерга келишганди. Янги жамоага тезда кўникишди. Тажрибали устозлари эътирофига сазовор бўлишди. — Қўшимча иш ўринлари яратилмақдиде қорхонамиз қошида 250 бош қўй, 100 та товук, 6

Фахрийлар – фахримиз

Футбол заргари

ёхуд «Алгоритм» оромгоҳи ва «Алгоритм футболчилари»

Йўлчибой Раҳимжонов билан хизмат тақозосига кўра, касаб ва уюшма спорт тadbирларида, шунингдек, Чимён тоғлари бағридаги «Алгоритм» оромгоҳида ўтган «Пахтакор — 79» халқаро хотира турнири мусобақаларида учрашганмиз. Ҳар гал унинг спортимиз, футболимиз ҳақида ўзига хос, теран мулоҳазаларини эшитганда завқланиб кетаман.

У тўп сурайдиган «Алгоритм» фахрийлар жамоаси юртимиздаги энг ёши катта жамоа. Йўлчибой аканинг «Фахрийлар лигаси» тузиш ҳақидаги таклифлари, бугунги терма жамоамиз ютуқ ва камчиликлари ҳақидаги қарашлари, ҳеч шак-шубҳасиз, сизда ҳам қизиқиш уйғотади.

Болалик ва ёшлик — 1959 йил 25 декабрда Чилонзор туманида, ҳозирги Ҳамза метроси яқинидаги йўлда дунёга келганман, — дея жийлаиб ҳикоясини бошлади Йўлчибой ака. — Шунинг учун ҳам исмиمنى Йўлчибой қўйишган. Эркин кураш, энгил атлетика билан жиддий шуғулланганман. Бундан ташқари, футбол, гандбол, хоккей бўйича ҳам мактаб ва университет вақтида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, голиб ва совриндор бўлганман. Эркин кураш бўйича 1976 йил Тошкент шаҳар чемпионатида учинчи, орадан бир йил ўтиб биринчи ўрин насиб этди. Энгил атлетика бўйича Республика биринчилигида совриндор бўлдим. Ўрта мактабни тугатганимда қайси олий ўқув юртига ҳужжат топширишни узоқ ўйлаганман. Охири бир тўхтама келиб, университетнинг Амалий математика ва механика факултетига ўқишга кирдим.

Биласиз, талабалар ҳаётини спорт

мусобақаларисиз тасаввур этиш қийин. Марказий Осиё ва Қозғистон давлатлари университетларида энгил атлетика бўйича голиб бўлганим ҳамон кечагидек ёдимда. Футбол, гандбол, баскетбол бўйича жамоамиз университет биринчилигида муваффақиятли ўйнардим.

Футбол бўйича университет терма жамоаси «Пахтакор» аъзолари билан бирга машғулот ўтказишарди. Фёдоров, Ан, Баканов, Покатилов каби футболчиларни, уларнинг машғулотини кўриш учун ҳам атайлаб стадионга келардик. Агар 1979 йил ўша машғулот фалокат содир бўлмаганда «Пахтакор» шубҳасиз, гигант жамоалар қаторидан жой оларди.

Турнир асосчиси Университетни тугатган Йўлчибой Раҳимжоновни йўлланма билан «Алгоритм» ОТАЖига ишга жўнатишди. Бу ерда 1983-1992 йиллар давомида муҳандис, бош муҳандис, математик, ҳисоблаш маркази бошлиғи лавозимларида ишлади. 1992 йилда завод касаб ва уюшма кўмитаси раислигига сайланди ва «Алгоритм» (ўша пайтдаги номи «Элбрус» эди) болалар оромгоҳи бошлиғи лавозимига тайинланди. Йўлчибой ака оромгоҳда тарбия ва тартиб-интизомни биринчи ўринга қўйди. Дастлабки йиллардан дам

олиш масканида «Пахтакор — 79» хотира турнири ўтказила бошланди. Фахрийлар турнири бора-бора халқаро мусобақа макomini олди. Ҳозирга қадар турнирда АКШ, Франция, Россия, Исроил каби давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари жамоалари голиблик учун майдонга чиқишни ўзларига шараф деб билишарди. Йўлчибой Раҳимжонов бошлик ташкилий кўмита ҳар бир мусобақага жиддий ҳозирлик кўради. Ҳар гал турнирнинг очилиш маросимида шонли пахтакорчиларни ёш авлодга эслатадиган театрлаштирилган томоша намойиш этилади. Республиканинг турли худудларидан келган ўғил-қизлар Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг кучли жамоаси ҳақида тасаввурга эга бўлишарди, самога сочилишган кўлдулар хотирасига ҳурмат бажо келтиришарди. Мусобақа давомида ва турнир якунида оромгоҳ гуруҳлари томонидан тайёрланган муносиқ чизиқлар ва гўзал рақслар барчага хушнудлик улашарди.

Бундан ташқари, оромгоҳда аънавий равишда «Олимпия умидлари» республика волейбол турнири ўтадики, мусобақа иқтидорли волейболчиларнинг кашф этишда муҳим аҳамиятга эга. «Алгоритм»да оромгоҳлараро ўтказилган спартакиада ва тармоқ ходимлари ўртасида ташкил этиладиган спорт тadbирлари ҳам ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини оширгани, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиргани бор гап.

— Бу ерда дам олган болалар асло зерикиб қолишмайди, яна ва яна бу ерга келишни исташарди. Ўрта баландликда Чимён тоғлари бағрида жойлашган бу маскани беамалол Ўзбекистон Швейцариясига қиёслаш мумкин. Спортчиларнинг дам олиши ва шуғулланиши учун жуда мос иқлим. Шу босидан, кейинги йилларда оромгоҳимизда футбол, самбо, волейбол, таэквондо, бокс, энгил атлетика, сув спорти турлари бўйича республика ўсмирлар терма жамоалари ўз ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишди, хордиқ чиқаришди. «Пахтакор» ва «Бунёдор» клублари футбол академиялари тарбияланувчиларининг «Алгоритм»га келиши аънамага айланди. Футбол бўйича 2010 йил ўсмирлар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида чиройли ва мазмунли ўйин кўрсатиб,

кумуш медалларга эришган Алексей Евстафеев жамоаси галабасида «Алгоритм» оромгоҳининг ҳам хиссаси борлиги мени қувонтиради. Чунки жамоа бир неча йилки, ёзги йиғинларини айнан «Алгоритм» оромгоҳида ўтказарди, — дейди фахр билан Йўлчибой ака.

Фахрийлар лигаси

— Инсон тарбиясида спортнинг роли катта бўлгани каби спорт тарғиботида фахрийларнинг ўрни беқиёс. Фахрийларнинг тўп тепиши — бу футболни ривожлантириш, оммалаштириш йўлидаги энг катта тарғибот, — дейди суҳбатдошимиз.


У 1986 йилдан буён «Алгоритм» фахрийлар жамоасида тўп суриб келмоқда. «Алгоритм» 2010 йил якунидаги фахрийларнинг тўп тепиши — бу футболни ривожлантириш, оммалаштириш йўлидаги энг катта тарғибот, — дейди суҳбатдошимиз. У 1986 йилдан буён «Алгоритм» фахрийлар жамоасида тўп суриб келмоқда. «Алгоритм» 2010 йил якунидаги фахрийларнинг тўп тепиши — бу футболни ривожлантириш, оммалаштириш йўлидаги энг катта тарғибот, — дейди суҳбатдошимиз.

— Яқинда «Бунёдор», «Алгоритм-1» ва «Алгоритм-2» жамоалари иштирокида «Фахрийлар кубоги»ни ўтказдик, — дейди Йўлчибой ака. — Афсуски, Тошкент шаҳар чемпионати, ёзда ўтадиган «Пахтакор — 79» ва қиш ёки баҳорда ташкил этиладиган «Фахрийлар кубоги»дан ташқари бошқа мусобақа деярли йўқ.

Мен Ўзбекистон футбол федерацияси қошида «Фахрийлар лигасини» тузишни таклиф қилардим. Лига фахрийлар ўртасида мини футбол мусобақасини ўтказсин. Мини футбол ўйнаш учун спорт мажмуаларимиз, майдонларимиз етарли. Қолаверса, бу билан вилоятларда ҳам фахрийлар жамоалари тузиб, мусобақалар янада қизиқарли тус оларди.

Терма жамоаларимиз ҳақида

— Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионати шуни кўрсатдики, бутун дунёда футбол жадалик билан ривожланыпти, — дея



мундиал ҳақида ўз фикрларини баён этди Й.Раҳимжонов. — Ҳамюртимиз Равшан Эрматов ушбу чемпионатда ҳакамлик қилиб, Ўзбекистон номини дунёга яна бир бор кўз-кўз қилгани, айниқса, кўнгилда умид учкунларини алангалатди.

Ҳар тўрт йилда бир ўтадиган бу мусобақадан биз ҳам кўп нарсани ўрганишимиз мумкин. Масалан, стадионларни олайлик. Яхши футбол ўйнаш учун, биринчи навбатда, яхши стадионлар керак. Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Жар», Қаршиннинг «Марказий», Муборакнинг Баҳром Вафоев, Фўзурдаги «Шуртан» стадионларидан бошқа яна қайси бирининг ҳолати халқаро талабларга жавоб беради? Чиройли футбол кўрмоқчимизми, яхши майдонларда тўп суришимиз лозим. Ўзбекистон футбол федерацияси вилоятлардаги стадионларга, уларнинг аҳолини яхшилашга жиддий аҳамият бериши лозим. Мана, бу йил Евстафеев мураббийлигидаги ўсмирларимиз Осиё чемпионатида чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатишди. Агар яхши стадионларда тўп суришмасан, бу яхши футболчиларни «йўқотиб қўйишимиз» мумкин.

Жорий йил бошида мамлакатимиз Президенти футболни ривожлантиришга қаратилган наватдаги қарорга имзо чекиди. «2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоратadbирларга оид» қарорнинг ижросини таъминлашга барчамиз сидқидилдан хисса қўйишимиз зарур. Унга қара, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Бекобод, Олмалик, Тошкент шаҳарларида замонавий стадионлар барпо этилиши, бир қатор болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари қайта таъмирланиши белгиланган.

Мана, келгуси йил қизлар ўртасида жаҳон чемпионати юртимизда ўтадиган бўлди. Бу тинч ва гўзал Ватанимизга билдирилган ҳурмат ва ишонч намунасиридир. Демак, миллионлар ўйини миллион-миллион ҳамюртларимизни хурсанд қиладиган онлар яқин.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири



Касаб ва уюшма спорти

Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежининг замонавий биносида Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясига аъзо ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари ўртасида республика спартакиадасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмалари жамоалари иштирокидаги ҳудудий босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Баҳор заптига олган чоғда

Спартакиадани Фарғона вилоят ҳокими уринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ходжаева кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг мини футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, энгил атлетика бўйича баҳслар бошланди. Ҳар бир вилоят жамоаси ўн бир кишидан иборат бўлиб, Низомга мувофиқ бир ишти-


рокчига икки спорт турида иштирок этишга рухсат берилганди. Кескин кураш остида ўтган мини футбол мусобақаларида учрашувларга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрган Фарғона вилояти жамоаси голиб чиқди. Фарғоналиклар финалда андижонлик ҳамкасбларини мағлуб этишди. Стол тенниси, энгил атле-

тика, шашка мусобақаларида ҳам фарғоналиклар биринчи ўринларни эгаллашди. Эрақалар ўртасида шахмат беллашувлари Фарғона ва Андижон спортчилари кучи тенг келди. Маҳфуза Шоева, Муроджон Эминжонов каби ҳаваскор спортчилар бу борада яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди.

Уз муҳбиримиз

Зулфияхоним қизлари Севаранинг бахти

Яқинда юртимиздаги бир гуруҳ иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Улар сафида сирдарёлик Севара Мирзабекова ҳам бор.



Севара нурилар шаҳри Ширинда унинг улғайди. Унда ёшлиғидаёқ спортга ҳавас уйғонди. Шаҳардаги энергетика касб-ҳунар коллежиде ўқиб юрганида Албина Наврўзалиева билан яқин дугона тутинди. Албина спортнинг академик эшак эшиш тури билан шуғулланарди. Унинг акаси Руслан Наврўзалиев юртимиздаги таниқли спортчилардан бўлиб, жаҳон нуфузли мусобақаларида голибликни қўлга киритган эди. Севара Руслан Наврўзалиев ва мураббий Дмитрий Хандан бу машаққатли спортнинг сирларини пухта ўргана бошладим.

«Эшак эшиш қиз болага тўғри келмайди, яхшиси, спортнинг бошқа тури билан шуғуллан», дея маслаҳат берувчилар ҳам топилди, албатта. Аммо Севара шаштидан қайтмади. Дадаси Тўйчибой ака уни тўғри тушунди ва қизига етарли шарт-шароит ҳозирлаб берди.

Мазкур спорт тури бўйича юртимизда ўтказилган кўплаб нуфузли беллашувларда иштирок этиб, катта муваффақиятларга эришди. Жумладан, 2008 йили «Келажак овози» танловининг Республика босқичида спорт номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди. 2010 йил май ойида Андижон шаҳрида бўлиб ўтган «Универсиада — 2010» беллашувларида ўзини кўрсатди. Айна вақтда Гулистон Давлат университетининг Жисмоний тарбия факултети 2-босқичида тавлим олаётган Севара Мирзабекованинг орузлари бир олам.

— Ҳеч қайси юртда истеъдодли қизлар учун бундай юксак мукофот таъсис этилмаган, бундай бахт, бундай қувонч биз ўзбек қизларига насиб этгани, менга гурур бағишлайди, — дейди Севара. — Ўзбекистондек жаннатмақом, овоз, обод юртда камол топаётганимдан хурсандман. Келажакдаги энг катта орузим жаҳондаги энг нуфузли спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, юртимиз байрогини кўкларга кўтариб, шухратини жаҳонга ёйишдир.

Анорбой НОРКУЛОВ



«Тўмарис спорт маликаси — 2011» Нафосат ва латофат уйғунлиги

«Туркистон» санъат саройида жанговар спорт тури билан шуғулланган қизлар ўртасида бадий-ижодий йўналишда «Тўмарис спорт маликаси — 2011» танловининг республика босқичи якунига етди.

«Камолот» ЁИХнинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур танлов қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш мақсади билан ташкил қилинган бўлиб, танловнинг саралаш босқичларида вилоятлардан 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган қизлар иштирок этди, етти нафар қиз республика босқичига йўллани

гани қўлга киритганди. Фойлибар 7 та номинация бўйича аниқланди. — Ўзбек жанг санъатини танлашимдан мақсад, бу спорт тури тўлиғича миллий лигимиз билан суғурилган, — дейди «Шарқ яққақурашлари назокатли маликаси» номинациясини қўлга киритган Назокат Шарипова. — Албатта, танловда қатнашиш осон бўлмади. Тинимсиз изла-

ниш, жанг сирларини кунт билан эгаллаганим кучли еттиликка киришимга замин яратди. Танлов голиблари «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳамда қатор ҳамкор ташкилотларнинг дипломи, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office address.